

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
АХБОРОТ

النشرة
العلمية التحليلية

SCIENTIFIC-ANALYTIC
BULLETIN



1-сон 2018 йил

Таҳрир ҳайъати:

Yovkochev Sh.A.	с.ф.д., проф.
(бош муҳаррир)	
Islomov Z.M.	фил.ф.д., проф.
(муҳаррир ўринбосари)	
Hasanov A.	т.ф.н., проф.
Usmonov I.	т.ф.н., доц.
Akmalov Sh.	с.ф.н., доц.
Azamxo'jayev C.	т.ф.д., проф.
Kamilov K.	ф.ф.н.
Kamilov M.	т.ф.н.
Muhamedov N.	т.ф.н.
(масъул котиб)	

Ashurbek Mo'minov – тарих фанлари доктори, профессор. IRCICA, Туркия.

Maks Sherberger (Max Scherberger) – Альберт Людвиг университети Исломишунослик бўлими доктори, Германия.

Muhamedshin Rafik Muhamedshevich – доктор политических наук, профессор, ректор Булгарской исламской академии, Российского исламского университета, заслуженный деятель науки Республики Татарстан, Россия.

Peri Benedek – Венгриянинг Этвощ Лоранд Будапешт университети Шарқиунослик институти директори, филология фанлари доктори, мазкур университет қошидаги "Шарқиунослик" журнали бош муҳаррири, Венгрия шарқиунослари ассоциацияси Президенти ўринбосари.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 84-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.

ISSN 2181-7308

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018.

СЎЗБОШИ	3
Z. ISLOMOV. Ўзбекистон халқаро ислом академияси – асарлари татқиқчи ислоҳотлар самараси	4

ИСЛОМШУНОСЛИК

SH. YOVKOCHEV. Islam in Uzbekistan: the history and modernity	10
Z. MUNAVVAROV, Z. JO'RAYEV. Мовараннийнинг "Ал-Аҳком ас-султонийя ва а-ввадет ад-динийя" асари – мусулмон Шарқи давлатчилигига оид муҳим манба	15
I. USMONOV. Мовароуннахр уламолари асарларида футувват ғоялари	19
A. TAJIYEV. Илк ислом даврида ҳадислар ва уларнинг саҳобалар маънавий ҳаётига таъсири	26
S. NURMATOV. Европейский опыт изучения взаимодействия государства и ислама в Центральной Азии	29
SH. RASHIDOVA. Узбекская семья: становление института семьи и процесс эволюции семейных отношений	32

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

O'. SHAKAROV. Ислам ҳуқуқида раҳбар маънавияти	36
N. XAKIMOVA. Қадфол Шошнинг ҳуқуқий қарашларида иссон манфадатларнинг ақс этиши	39

ДИНШУНОСЛИК

K. SHANIYAZOV. Сведения о христианах и христианстве в произведениях средневековых арабо-мусульманских историков	42
O. ERNAZAROV. Мин империяси даврида Хитой мусулмонларининг яхшимон-маданӣ ҳаёти	53
I. HAYDAROV. Япониядаги Будда ибодатхоналарининг ўзига хос хусусиятлари	57
M. ABDULLAYEVA. Кибермақолаги диний жараёнларни ўрганидаги етдишувар	60

МАНБАШУНОСЛИК

K. SADIKOV. Унгуристонийна рукопись, хранящаяся в Национальной библиотеке Франции	65
G. TO'YCHIYEVA. Шеър генезисига оид хусусиятлар	72
S. RUSTAMIY. Балағат, риторика ва этикетиканинг типология хусусиятлари	76

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВАНК

F. RAVSHANOV. Толерантлик: тарих ва тараққият	80
M. MUHAMMADSIDIQOV. Мусулмон мамлакатларидаги этносенет ва конфессиянал эҳдиётларга "дин омили"нинг таъсири	83
I. MIRZIYOTOV. Миллатлараро тотуванк ва ҳамжиҳатлик – мамлакат тараққиятини муҳим омил	88

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТААР ВА ИҚТИСОДИЁТ

A. ISADJANOV. Барқарор ривожланиш мақсадлари: устувор йўналишлари ва долзарб вазифалари	93
R. SADIQOVA. Зарубежный опыт формирования конкурентной среды в сфере малого бизнеса	101

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Z. PO'LATXO'JAYEV. Центральная Азия: на пути формирования зрелой региональной подсистемы	105
B. UMAROV. Ёшлар ўртасида диний экстремизм ва терроризм профилактикасининг психологик муаммолари	110
M. ABDUHAMIDOV. Экстремизм ва унинг замонавий кўринишлари	115

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ХАМЖИХАТЛИК – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЕ СОГЛАСИЕ И РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ – ВАЖНЫЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ ГОСУДАРСТВА

INTERETHNIC HARMONY AND RELIGIOUS TOLERANCE STATE DEVELOPMENT FACTOR

Калит сўзлар: миллат, миллатлараро муносабатлар, тотувлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорлик, дин, багрикенглик, Ҳарақатлар стратегияси, конфессия.

Ключевые слова: нация, межэтнические отношения, гармония, солидарность, мир и стабильность, религия, толерантность, Стратегия действий, конфессия.

Key words: folk; interethnic relations; harmony; solidarity; peace and stability; religion; tolerance; Movement Strategy; confessions.

Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда, ривожланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришига муносиб ҳисса қўймоқда.

Шавкат Мирзиёев

Истиқлол мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган барча халқларнинг вакиллари, уларнинг миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, аввало, ўзлигини англаши, инсоний қадр-қиммати, урф-одат ва қадриятларини тиклаши, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаши учун беқиёс имкониятларни очиб берди.

Давлатимиз аввалбошдан якка-ю ягона тўғри, яъни босқичма-босқич ривожланиш йўлини таълаб олгани, узоқни кўзлаган ҳолда, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб боргани бугун ҳаётда ўз исботини топмоқда. Шу боисдан ҳам мустақилликнинг чорак асрдан зиёроқ даври мобайнида мамлакатимизни ҳар жиҳатдан тараққий эттириш, халқи-

миз ва келгуси авлодларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган шароит ва имкониятларни яратиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Натижада беқиёс ютуқлар қўлга киритилди. Бу ютуқлар Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Улар орасида кўпмиллатли умумий уйимиздаги тинчлик ва барқарорлик, багрикенглик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик катта ўрин тутади. Ўтган 27 йил давомида миллатлараро маънавий-маданий, гоъвий-мафкуравий муносабатлар эркинлиги ва маданиятлараро толерантлик сиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан таъминланди ва амалий татбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов 1991 йил 31 августда мамлакатимизни мустақил деб эълон қилди. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон Республикасини тенглар ичида тенг мамлакат сифатида эътироф этди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан ҳозирга қадар мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи халқаро меъёрларга мос 1800га яқин Қонунлар қабул қилинди, қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди[2]. Шунингдек, Ўзбекистон 300дан ортиқ халқаро шартномаларни ратификация қилди ва уларга қўшилди[3:6].

Ўзбекистон 1992 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзолари сафидан ўрин олди. Дунёдаги 140га яқин давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 50 га яқин давлатда Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси ва дипломатик корпуслари давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Тошкентда хорижий давлатларнинг 50 дан ортиқ элчихонаси ва фахрий консуликлари, 20 та халқаро ташкилоти ҳамма молиявий ва дипломатик мақомдаги ваколатхоналари фаолит юритмоқда[3:6].

Диёримиз аҳолиси ўртасидаги миллатлараро тотувлик чуқур тарихий илдизларга эга. Чунки, ушбу заминда кўп асрлардан бери турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-биридан фарқли кўп халқлар яшаган. Бу эса мустақил Ўзбекистоннинг кўп миллатли ва кўп конфессияли бўлишини, ўзбек халқининг бошқа миллатлар, халқлар, динлар ва маданиятларга нисбатан багрикенглик билан муносабатда бўлишини белгилаб берган.

Қадим замонлардан бери шарқона гавжум бозорларида эшитиладиган турли тиллардаги гап-сўз-

Миллатлараро тотувлик

лар, шунингдек, миллатнинг дастлабки асрларида зардуштийларнинг ибодатхоналари ва буддавийларнинг бутхоналари, кейинроқ яҳудийлар синагогалари, христианлар черковлари ва мусулмонлар масжидларининг ёнма-ён жойлашуви ҳеч қимми ажаблантирмасди.

Статистик маълумотларга кўра, 1991 йил 20,6 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистонда бугун 32 миллиондан ортиқ фуқаро яшайди [4:1]. Уларнинг 27 миллионга яқинини ўзбеклар, 708 мингини қорақалпоқлар ташкил қилади [5]. Айни вақтда аҳолининг 14 фоизини яна 130 га яқин миллат ва элатларнинг вакиллари: тожик, қozoқ, рус, қирғиз, украин, татар, туркман, корейс ва бошқалар ташкил қилади. Агар маданияти ва урф-одатлари ўхшаш бўлган қорақалпоқ, тожик, қozoқ, қирғиз ва туркманлар аввалдан ўзбеклар билан қўшни бўлиб яшаб келган бўлса, бошқа миллат вакиллари бу ўлкага турли сиёсий-ижтимоий жараёнлар натижасида келиб қолганлар. Биринчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон ҳудудига Польша, Украина, Беларусь, Россиянинг гарбий қисми ва Болтиқ бўйидан қочоқлар келиб қолган. 1917 йилдаги октябрь тўнтаришидан сўнг турли соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида ҳар йили Туркистонга юзлаб мутахассислар жўнатилган ва уларнинг аксарияти ушбу ўлкада доимий қолиб кетганлар. XX асрнинг 30-40-йилларидаги депортация вақтида минглаб корейс, қрим-татар, месхети турклар, курд, болқор, чечен, ингуш, калмиқ ва немислар республикага қўчириб келирилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқи фронт яқинидаги ҳудудларда бошпанасиз қолган миллиондан ортиқ инсонларни қабул қилиб, ўзининг юксак инсоний фазилатларини намойиш этди. 1966 йили Тошкентда рўй берган зилзила оқибатларини бартараф қилиш учун собиқ иттифокнинг турли чеккаларидан етиб келган кўплаб қурувчиларнинг бир қисми ҳам юртимизда доимий яшаб қолганлар.

Мамлакатимиз халқи бугун 130 дан ортиқ миллат вакилларида иборат ягона оилани ташкил этади. Турли этносларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаш, ривожлантириш ва келгуси авлодга етказиш мақсадида бугун 138 та (1991 йилда 12 та) миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаолияти мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ, аниқроғи 1992 йилнинг январь ойида ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази томонидан мувофиқлаштириб борилди. Ушбу йўналиш фаолияти ва қамров салоҳиятини кенгайтириш, шунингдек, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ягона давлат сиёсати

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яшовчи турли этнослар вакиллари ўзларини англагани, тили, миллий урф-одат ва анъаналарини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун яратилган шароитлар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, миллий ва диний низолар жаҳон ҳамжамияти нотинчлигига сабаб бўлаётган XXI асрда ўзбек халқининг ҳамжиҳатлик ва бағрикенглиги бугун дунёга ўрпақ бўлаётгани мисоллар орқали келтирилади. Хусусан, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ўрин олган диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг аҳамиятига эътибор қаратилган. Табиийки, муаллиф бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганини ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан алоқадор тарзда янми асосланган ҳолда ёритган.

В данной статье говорится о созданных за годы независимости условиях для представителей различных этнических групп, проживающих в Узбекистане, реализации их самобытности, восстановления и укрепления языка, национальных обычаев и традиций. Особое внимание уделяется важности религиозной терпимости и межэтнического согласия, обозначенных в «Стратегии действий по пяти основным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы». Утверждается, что развитие толерантности и гуманности, укрепление межэтнической и межнациональной гармонии, воспитание молодого поколения в духе любви и преданности Родине является одним из важнейших приоритетов государственной политики Узбекистана.

This article deals with the conditions created during the years of independence for representatives of different ethnic groups living in Uzbekistan to realize their identity, to restore and strengthen their language, national customs and traditions. Also, the role of our country in the world community, national and religious conflicts in the 21st century, which cause the world community's instability, are based on facts that the Uzbek people are a model for the whole world. Particular attention is paid to the importance of religious tolerance and inter-ethnic accord, contained in the "Strategy for Action on the Five Main Directions of Further Development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021". Naturally, the author has scientifically stated that the development of tolerance and humanity, Strengthening interethnic and interethnic harmony, educating the young generation in the spirit of love and devotion to the Motherland is one of the most important priorities of the state policy of Uzbekistan.

амалиёти учун кўпроқ шарт-шароитлар яратиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5046-сонли Фармонида мувофиқ Республика байналмилал маданият маркази пегизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (Қўмита) ташкил этилди [2].

Натижада, давлатимизнинг мазкур йўналишдаги миллий сиёсатини амалга ошириш имкониятлари янада юқори босқичга кўтарилди.

Мустақиллик йилларида Республика байналмилал маданият маркази (РБММ) ва миллий маданий марказлар (МММ)нинг миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари давлатимиз томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланди ва рағбатлантириб борилди.

Жумладан, 2002 йилда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллиги, 2007 йилда 15 йиллиги, 2012 йилда 20 йиллиги, 2017 йилда эса 25 йиллиги бутун мамлакат миқёсида кенг нишонланди ҳамда миллий маданий марказларнинг қатор фаолларида 150 га яқини юксак давлат мукофотларига сазовор бўлдилар. Турли миллатлар вакили бўлган 14 киши олий мукофот – "Ўзбекистон қаҳрамони" унвони билан тақдирланди. Мамлакатимизда этник ўзига хослик ривожланди, миллатлараро муносабатлар янада уйғунлашди. 138 та миллий маданий марказ ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ хунармандчилигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳар бирида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Байналмилал маданият маркази эндиликда Қўмита тарзида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, амалий ва услубий ёрдам бериб келмоқда.

Марказ (Қўмита), Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев таъбири билан айтганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган тадбирлари асосида маданий ва ижтимоий ҳаётимизни янада терап маъно-мазмун билан бойитди, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамлади. МДХ мамлакатлари ўртасида ўша даврда фақат Ўзбекистонда шундай тузилма ташкил этилганлиги эътиборга лойиқдир.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш борасида

тўғри сиёсат олиб борилаётганини, мўлжалли аниқ олинганини кўрсатувчи далиллардир. Қўмита мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасида подават ташкилотларининг ноёб тизими шаклланишига улкан ҳисса қўшмоқда. Зотан, айнан миллий маданий марказларнинг серқирра фаолияти мамлакатимизда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш, муҳим маданий-ижтимоий вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин 1992 йилнинг ўзида инсон ҳуқуқлари бўйича қатор халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни ратификация қилгани шулар жумласидан.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги БМТ конвенциясига қўшилди, фуқаролик ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларни имзолади. Бизнинг республика-миз инсон ҳуқуқлари бўйича 80дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилган.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, агрессив миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни ичдан емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли дин ва миллатга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу Ўзбекистонда тинчлик ва оқоийшталикнинг мустаҳкам кафолатидир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон турли миллатларга мансуб инсонларнинг ўзаро тинч-тотув ҳаёти ва 16 та диний конфессия [1:1] вакиллари-нинг эътиқод эркинлиги таъминланган мамлакат сифатида танилди, Республикадаги миллатлараро муносабатлар ҳар бир халқнинг ўзига хос этномиллий ва этномаданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Шу сабабдан мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллатлараро тинчлик ва тотувликни таъминлайдиган ҳуқуқий асос яратилди. Давлатимизнинг Асосий Қонуни – Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар [6:13], деб белгиланган. Ҳар бир инсон

хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга бўлади. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайдиган.

Туран миллатга мансуб фуқароларининг эътиқод эркинлигини таъминлаш мақсадида юзлаб масжид, ўилаб черков, синагога ва ибодатхоналар қурилиб, таъмирланиб, бутун халқимиз эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг туб аҳолиси эътиқод қиладиган ислом дини билан бир қаторда яна 15 та диний конфессия вакиллари учун ибодат масканлари, ўқув юртлари бўлиб эتىлаган. Улар қаторига Тошкент, Самарканд, Навоий шаҳарларидаги православ ибодатхоналари, Тошкентдаги католиклар костёли ва буддистлар ибодатхонаси, Самарканд ва Тошкентдаги арман-апостол черковларини киритиш мумкин.

Давлат ва дин ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати қошида махсус орган – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилган. Республикада Тошкент шаҳри ва вилоятларда ёш авлодга диний билимларни эгаллаш учун олий ва ўрта махсус ислом билим юртлари, православ ва протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган Ислон цивилизацияси маркази, Ислон академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари ва 2018 йил 16 апрелда ПФ-5416 сон Қарорлари билан Тошкент ислом университети негизда Қуръон илмлари, ҳадис, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, халқаро муносабатлар, хорижий тиллар (араб, форс, инглиз, рус, урау, турк ва б.) ва бошқа халқаро миқёсда эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича малакали кадрларни тайёрлашга, ўрта махсус, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш босқичларида узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини ташкил этишга ва илмий меросни чуқур тадқиқ қилиш ва асраб-авайлашга, диний ва дунёвий билим беришга ихтисослашган етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси Халқаро ислом академияси ташкил этилди [2].

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилининг октябрида «Ислон мамлакатларининг стандарта ва метрология институти Устави ва тартиб-қоидаларини ратификация қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Ислон ҳамкорлик ташкилоти Уставага киритилган тузатишни ратификация қилиш»

бўйича қабул қилган қонунлари ҳам фикримизнинг эркин ифодасидир [7].

Республикамизда олий ва ўрта таълим 7 тилда – ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб борилаётган таъминланган [8:2]. Мактаб ва олий таълим муассасалари учун ўқув қўлланмаларининг нашр қилиниши ҳукумат томонидан молиялаштирилади. Шу билан бирга, аксарият миллий маданий марказларда яқинда мактаблари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда она тили ва бошқа тиллар ўқитилади, халқнинг маданияти, санъати ва анъаналари ўрганилади. Юртимиздаги мактаб ва олий таълим муассасаларида халқаро ахборот алмашинувида кенг қўлланиладиган инглиз, рус, француз, немис, испан, хитой, араб ва бошқа халқаро мулоқот тилларининг бири ўқитилади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорациясида кўрсатувлар 12 тилда намойиш этилмоқда [8:2]. Уларда туран миллат вакиллари ҳаёти ва фаолияти, уларни бириктирувчи миллий-маданий марказлар ҳақида кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланмоқда.

Миллий истиқлол гоёси, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик тарғиботида бағишланган мақолаалар матбуот орқали 10 дан ортиқ [4:6] (ўзбек, қорақалпоқ, арман, рус, тожик, қозоқ, туркман, корейс, француз, форс, инглиз ва бошқа) тилларда чоп этилиб, мамлакатимиздаги туран этник ва конфессиянал гуруҳлар орасидаги ҳамжиҳатликка хизмат қилмоқда.

Ёшларни ватаншарварлик, миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:

– профессор-ўқитувчилар, талаба ва ўқувчилар иштирокида «Юрт тинчлиги, Ватан равнақи – олий неъмат», «Баркамол авлод шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни», «Мақсад бир, гоё бир, Ватан ягона», «Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Биз – бир замин ва бир замон фарзандларимиз», «Бу муқаддас Ватанда азиздур инсон», «Ёшларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашда миллий-маданий марказлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ўрни» каби мавзуларда амалий семинар ва давра суҳбатлари ўтказиш анъанага айланган;

– олий ўқув юртларида «Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик – барқарорлик омили», «Ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувлик – Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши муҳим омили» мавзуларида маърузалар ўқилиши ташкил қилинмоқда;

– давлатимиз ягона миллий сиёсати ва юртимизда туран этнослар вакиллари учун барча соҳада яратилган шароитлар, жаҳон афкор оммасининг бунга билдирган муносабати ифодаланган «Ўзбе-

кистан – наш общий дом», «В семье единой», «Ўзбекистон – багрикенг диёр», «Наш дом – Узбекистан», «Страна дружбы и согласия», «Узбекистан многонациональный», «Аҳил оилада», «Биз сенинг фарзандларингиз, Ўзбекистон», «Узбекистан – страна мира и согласия» номли ҳужжатли фильмлар кенг жамоатчилик эътиборида;

«Ўзбекистон – умумий уйимиз» номли дўстлик ва маданият фестивали 2003 йилдан буён юқори савияда ташкил этилмоқда. Низом бўйича мазкур фестивалнинг еттинчиси мустақиллигимизнинг 28 йиллигига бағишлаб 2019 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар шаҳарлари ва чегара ҳудудларида, Тошкент шаҳрида турли миллатларга мансуб аҳоли ўртасида миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, дунёда кечаётган миллий ва диний низолар оқибати билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона», «Соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни» мавзуларида доимий ҳаракатдаги семинарлар ва «Биз ягона оила фарзандларимиз», «Илсон азиз, Ватан муқаддас» номли тасвирий ва фото асарлар кўргазмалари ташкил этиш йўлга қўйилган.

Миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимиздаги турли этнос вакиллари ва хориждаги юртимизга фидоий ватандошларимиз иштирокида Мустақиллик, Наврўз байрамлари, «Хотира ва қадрлаш кuni», «Конституция кuni»га бағишланган давра суҳбатлари, концерт дастурлари ҳамоҳанглигида ўтказилади. Шунингдек, Қўмита чет элдаги Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари ёрдамида миллий байрамларимиз, анжуманлар ва учрашувлар ўтказишни ташкил этади.

Юртимизда ҳукм сураётган мана шу дўстлик ва бирдамлик муҳити Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Зеро, давлатимиз Раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожда янги босқич бошланди. Багрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг

барчаси ҳаётда ўзининг тўлиқ ифодасини топили [1:1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ҳам хавфсизлик, диний багрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёсат соҳаларидаги устувор йўналишлар сифатида алоҳида қайд этилди [2].

Унга кўра:

– Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузumi, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва мутаносиб равишда қарши ҳаракатларни ташкил этиш;

– фуқаролик, миллатлар ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш;

– давлат мустақиллиги суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатлар тўла ҳуқуқли субъекти сифатида ўрни ва ролини кучайтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик минтақасини вужудга келтириш;

– Ўзбекистон Республикаси халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида ҳолис ахборотни етказиш;

– Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мамлакатимиз келажаги, унинг тараққиётини таъминлашда амалга оширилиши зарур бўлган асосий вазифалар қаторида белгиланди.

Шундай экан, миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси давлатимиз конституциявий тузumi, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлигини кўз қорачигидек асрашда, турли ахборот таҳдидларига ўз вақтида муносиб равишда раддиялар беришда, этнослар ва динлараро ҳамжиҳатни мустаҳкамлашда, Ватанимизнинг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрнини янада юксалтиришга хизмат қилиши, унинг хавфсизлиги, фаровонлиги ва аҳил қўшничилик минтақаси сифатида бугунги ўрни ва нуфузининг тобора ошишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. Т., "Халқ сўзи" газетаси, 25.01.2018., №18.
2. Lex.uz/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. Узбекистан – наш общий дом. Т., Творческо-полиграфический дом «Узбекистон».
4. Ўзбекистоннинг этноконфессионал харитаси. "Картография" илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси. Т. 2016.
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Каракалпакстан>
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 31-модда. –Т. "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2014.
7. Интернет маълумоти: Шавкат Мирзиёев бирданига тўртта қонунни имзолади. Ўзбекистон. 12:06 / 03.10.2018. 104254.
8. Yagona oilada журнали. Т.: 1-2/2017.

Pyos MIRZIYOTOV,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Шарқ филологияси кафедраси доцентини в.б.
педагогика фанлари номзоди



БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ: УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

ЦЕЛИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ: ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И АКТУАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ

THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS: PRIORITY DIRECTIONS AND ACTUAL TASKS

Калит сўзлар: экологик омиллар, эко-инновациялар, барқарор ривожланиш.

Ключевые слова: экологические факторы, эко-инновации, устойчивое развитие.

Key words: ecological factors, eco-innovations, sustainable development.

Глобаллашув жараёнлари натижасида юзага келаётган ўзгаришлар чуқур тавсифга эга бўлиб, жамият ривожланишининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўлчамларини мувофиқлаштириш, жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг янги моделини яратиб билан боғлиқ тадқиқотлар кенг амалга оширилмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида глобал иқлим ўзгаришлари, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масалаларига катта эътибор қаратилган [1].

Шу ўринда дунёда содир бўлаётган ва тобора ривожланиб бораётган табиий жараёнлар экологик таҳдидлар билан бевосита боғлиқлиги эътироф этилмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг тезлиги экотизимларга мослашиш тезлиги ва инсон ҳаракатлари суръатидан анча юқоридир. Буларнинг бари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделига маълум даражада ўзгартиришлар киритиш заруратига олиб келмоқда ва экологик вазиятни ҳисобга олмасдан иложи йўқ деб ҳисобланмоқда. Агар доимгидек ресурсларни кенг жалб қилиш эвазига иқтисодий ўсиш таъминланса ва бизнес фаолият олиб борилса, 2050 йилга бориб углерод икки оксиди ва эквивалентларининг миқдори атмосферада 65 гигатонна-